

Рахимов М.Ю. - ТМИ,
кафедра муdiri, и.ф.н., доц.

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ВА УНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ: МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Мақолада хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатини таҳлили, унинг хориж амалиётига мувофиқлиги, хўжалик фаолияти ва бизнес самарадорлигини молиявий ҳисобот маълумотлари асосида ўрганиш ҳамда молиявий натижавийликни кўрсаткичлар тизимида баҳолашнинг муҳим масалалари баён этилган.

Таянч иборалар: таҳлил, молиявий таҳлил, молиявий ҳолат таҳлили, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботлар, молиявий ҳисобот элементлари, молиявий ҳисоботга иловалар, бухгалтерия ҳисоби стандартлари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий барқарорлик, ликвидлик, тўлов лаёқати, фойда, соф фойда, рентабеллик, левереж, иш активлиги, молиявий коэффициентлар, қиёсий таҳлил.

В данной статье показан анализ финансового состояния хозяйствующих субъектов, соответствие зарубежной практике, важные вопросы оценки хозяйственно-финансовой деятельности и эффективности бизнеса на основе данных финансовой отчетности.

Ключевые слова: анализ, финансовый анализ, анализ финансового состояния, финансовая отчетность, финансовые отчеты, элементы финансовой отчетности, приложения финансовых отчетов, стандарты бухгалтерского учета, стандарты международной финансовой отчетности, финансовая устойчивость, ликвидность, платежеспособность, прибыль, чистая прибыль, рентабельность, левеидж, деловая активность, финансовые коэффициенты, сравнительный анализ.

This article describes financial position analysis, its compliance with foreign experience, important concerns of evaluating business activity and its efficiency and assessing financial effectiveness on the basis of financial statements.

Keywords: analysis, financial analysis, financial position analysis, financial statement, financial statements, elements of financial statement, appendixes to financial statement, accounting standards, international financial reporting standards, financial sustainability, liquidity, solvency, profit, net profit, profitability, leverage, performance, financial ratios, comparative analysis.

Молиявий ҳолат ва унинг таҳлили юзасидан маҳаллий ва хорижий муаллифлар томонидан чоп этилган адабиётлар сони шу даражада кўпки уларни ўрганиш асосида битта хулосага келиш мумкин, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият самарадорлиги ва унинг натижавийлигини баҳолаш доимо кенг қизиқувчилар (менежерлар, мулк эгалари ва контрагентлар) эътиборидаги муҳим масалалардан бири бўлган. Молиявий ҳолат ва ундаги ўзгаришларни таҳлил этиш орқали нафақат бўлиб ўтган жараёнларнинг самарадорлиги ва натижавийлигига балки уларнинг

келгусидаги кутилишлари ҳам башорат қилинади. Бу эса рақобатдош иқтисодиёт шароитида янада муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий ҳолат таҳлилининг натижавийлиги унинг ахборот таъминоти ва манбаларнинг сифатлиги билан белгиланади. Ахборот таъминотининг асосий манбаси бу молиявий ҳисобот ҳисобланади. Молиявий ҳисобот активлар, капитал ва мажбуриятларнинг, даромад ва харажатларнинг маълум бир санага жамланган, балансланган, ликвидлик бўйича тартибланган, даврийликда тузиладиган ҳисобот шаклларида ва уларга илова қилинган манбалардан иборат .

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолати ва ундаги ўзгаришларни баҳолаш, таҳлил этишда Ўзбекистон ва хориж амалиётининг ўхшаш жиҳатлари жуда кўп. Чунки глобал иқтисодиёт барча давлатларнинг ҳисоб, аудит ва таҳлил тизимида ҳам ягоналашувни талаб этади. Худди шу сабабли ҳам бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлари ишлаб чиқилган ва амал этилмоқда. Яъни, халқаро иқтисодий алоқаларнинг ягона “бизнес тили” расмий жиҳатдан шаклланган. Шу сабабли ҳам, бозор иқтисодиёти қонун қоидалари асосида ривожланувчи барча давлатларда молиявий ҳолат ва ундаги ўзгаришларни таҳлил этиш ташкилий, услубий жиҳатдан фарқ қилса ҳам мазмун жиҳатдан бир ҳилда юритилади.

Молиявий ҳолат таҳлилининг асосий фарқли жиҳатларни хўжалик юритиш шарт-шароитларининг турличалигида, бухгалтерия ҳисоботлари ва уларни тузиш қоидаларида, услубий жиҳатларда шунингдек кўпроқ назарий асослардаги кўриш мумкин.

Хўжалик юритишнинг шарт-шароитлари юзасидан жуда кўп фарқли жиҳатларни кузатиш мумкин. Бу биринчи навбатда, тизимнинг иқтисодий ривожланиши ва бошқарувнинг фарқли жиҳатлари билан характерланади.

Хўжалик юритишнинг фарқли жиҳатлари албатта ахборот оқимини шакллантиришнинг амалдаги ҳолатига ҳам сезиларли таъсир этади. Битта, хўжалик юритувчи субъектларни йирик, ўрта ва кичик бизнес субъектлари қаторига киритишнинг ўзи ҳам давлатлар ўртасида тубдан фарқ қилади. Ўзбекистонда бизнес субъектларни у (кичик) ёки бу (йирик) таркибга киритишнинг амалдаги тартиблари ходимлар сонига боғланган ҳолда, 1 кишидан 200 кишига қадар белгиланган. Бу ҳолат албатта ахборот оқимини шакллантиришнинг мажбурий тартибларига ҳам сезиларли таъсир этади. Чунки кичик бизнес субъектлари йиллик молиявий ҳисоботни бутун йил учун, йирик бизнес субъектлари эса ҳар чоракда тузиш мажбуриятларини олади.

Шунингдек, кичик бизнес субъектлари ҳисобланган (кичик корхона ва микрофирмалар) корхоналар “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасига мувофиқ “Бухгалтерия ҳисоби” (1-шакл) ва “Молиявий натижалар тўғрисидаги” (2-шакл) ҳисоботдан иборат йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этадилар.

Ривожланган давлатларда бухгалтерларнинг бош вазифаси корхонанинг давлат олдидаги ахборот мажбуриятларини (молиявий, солиқ, божхона, статистик ҳисоботлар орқали) ҳал этишга эмас балки биринчи навбатда мулк

эгаси ва менежерларнинг самарали бошқарувини таъминлашга қаратилган вазифаларни ҳал этиб беришга қаратилган.

Молиявий ҳолат ва ундаги ўзгаришларни таҳлил этишдаги ўхшаш жиҳатларни бухгалтерия ҳисобининг муҳим тамойили бўлган мазмуннинг шаклдан устунлиги тамойили билан изоҳлаш мумкин. Ривожланган давлатлар молиявий ҳисоботлари билан Ўзбекистондаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган молиявий ҳисобот шакллари сони ва уларнинг номланиши юзасидан фарқ кузатилмайди. Бу жиҳатдан қуйида АҚШ, Россия ва Ўзбекистонда тузиладиган ва тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг қиёсий таҳлилини бериб ўтишимиз мумкин.

1-жадвал

Молиявий ҳисоботлар ва уларнинг таркиби

АҚШ	Россия	Ўзбекистон
Бухгалтерия баланси	Бухгалтерия баланси	Бухгалтерия баланси
Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот	Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот
Капитал ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот	Капитал ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот	Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот
Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот
Ҳисоб сиёсати ва тушунтиришлар	Бухгалтерия балансига илова	Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар
	Олинган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ҳақида ҳисобот	

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ҳисоб сиёсатида ҳам муҳим ўзгаришларни амалга оширишни талаб этади. Шу жиҳатдан, миллий стандартларнинг тузилишини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳозирги кунга қадар бухгалтерия ҳисобининг 20 дан ортиқ миллий стандартлари қабул қилинди ва амал этилмоқда. Молиявий ҳолат ва ундаги ўзгаришларни баҳолашда бу тартиб албатта жуда кўп ноаниқликларга жавоб топиш имконини беради. Жумладан, активларни, даромад ва харажатларни тан олиш, мулкни ҳақиқий қийматини аниқлаш ва одилонга баҳолаш, активларни ликвидлиги бўйича таркиблаш ва уларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш тартиблардаги умумий ёндашувларга амал этишнинг тартибларини белгилаб беради. Лекин шу билан биргаликда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда хориж амалиётида қўлланиладиган стандартларда (МФСО), алоҳида давлат ва ҳудудларда амал этиладиган (GAAP) умумий талабларда сезиларли фарқли жиҳатларни кўриш мумкин. Бу ҳам албатта молиявий ҳолат таҳлили ва унинг мазмунига сезиларли таъсир этади.

Бухгалтерия ҳисоби стандартлари бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда молиявий ҳисоботларни тузишга доир минимал талабларни белгилайди. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ҳам бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш юзасидан махсус талабларни белгилайди. Айрим хўжалик юритувчи субъектлар қонун ҳужжатларида (“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддаси 3-бандида) белгиланган тартибда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ҳам амал этган ҳолда ахборотлар базасини шакллантириши ва ошкор этиши

мумкин. Бу бевосита, молиявий ҳолат ва ундаги ўзгаришлар ҳақидаги таҳлилий хулосаларни шакллантиришда муҳим масала ҳисобланади. Хўжалик субъектларининг фаолият самарадорлиги ва натижавийлига баҳо беришдаги бу жиҳат ёндашувлар бизнеснинг халқаро даражадаги қиёсийлигини, ахборотларнинг таҳлилийлигини таъминлайди.

Амалда тузиладиган ва тақдим этиладиган молиявий ҳисоботнинг асосий шакли “Бухгалтерия баланси” (1-шакл) расмий тузилиши ва мазмун бўйича хориж амалиётидан тубдан фарқ қилмайди.

Жуда кўп муаллифлар хўжалик субъектлари молиявий ҳолатига баҳо беришнинг муҳим манбаси бўлган бухгалтерия баланси ва унинг таркибий тузилишини белгилашда активларнинг ликвидлик даражаси бўйича қайта таркибланиши ва қизиқувчиларнинг кенг қатлами учун ҳам тушунарли бўлиши лозимлигини қайд этадилар.

Молиявий ҳолат таҳлилининг услубий жиҳатларида ҳам айрим фарқланишлар кузатилади. Лекин аксарият ҳолларда уларнинг бир хиллигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон ва хориж амалиётида ҳам молиявий ҳолатни баҳолашда қуйидаги таркиб кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Уларга қуйидаги кўрсаткичлар киради:

1. Ликвидлик кўрсаткичлари. Халқаро амалиётида ушбу кўрсаткичлар тизими “liquidity ratios” деб номланади.

2. Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари. Халқаро амалиётида ушбу кўрсаткичлар тизими “financial leverage” деб, айрим манбаларда “leverage ratios” деб номланади.

3. Фойда, рентабеллик кўрсаткичлари. Халқаро амалиётда мазкур кўрсаткичлар тизими “profitability ratios” деб номланади.

4. Иш активлиги кўрсаткичлари. Хориж амалиётида ушбу кўрсаткичлар тизими “efficiency ratios” деб номланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон ва халқаро амалиётда молиявий ҳолат таҳлили кўрсаткичлар тизимида кескин фарқланишлар йўқ. Муаммо нимада. Муаммо, уларнинг ягона тизимга солинмаганлиги ва услубий, методологик асосларнинг бир мунча фарқланишида дейиш мумкин.

Ликвидлик кўрсаткичлари (liquidity ratios)

Ўзбекистонда ва Собиқ иттифоқ давлатларида чоп этилган ўқув адабиётларини кузатиш натижасида шуни таъкидлаш лозимки, амалиётда ликвидликнинг 3 та муҳим кўрсаткичи аниқланади. Мутлақ(тезкор), оралик ва жорий ликвидлик коэффициентлари.

Мутлақ (тезкор) ликвидлик

Мазкур кўрсаткич пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмаларни қисқа муддатли мажбуриятларга бўлиш асосида топилади. Бу амалда тузиладиган “Бухгалтерия баланси” бўйича қуйидаги қаторларни ўз ичига олади.

$$K_{л1} = \text{ПМ} + \text{ҚММҚ} / \text{ЖМ}$$

ПМ – Пул маблағлари; баланснинг активи 320+370+380–сатрлар йиғиндиси.

ЖМ – Жорий мажбуриятлар; баланснинг иккинчи бўлими пассив тамони 600-сатр

Ушбу кўрсаткич жорий мажбуриятларнинг зудлик билан қопланиши лозим бўлган қисмини ифода этади.

Тезкор ликвидлик

$$Кл2=(ПМ+ҚММҚ+ДМ) / ЖМ$$

Бунда:

ДМ – Дебиторлик мажбуриятлари; баланс активи 210-сатр.

Жорий ликвидлик

Ушбу кўрсаткич қоплаш коэффиценти деб ҳам айтилади.

$$Кл3=ЖА / ЖМ$$

Бунда:

ЖА – Жорий активлар; баланс активи иккинчи бўлим жами 390-сатр.

Ликвидлик кўрсаткичларини баҳолашда кўпинча қўшимча кўрсаткичлар ҳам таркибланади. Улар қаторига ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффицентини киритиш мумкин.

$$Камт= (ЎММ-УМА) / ЖА$$

Бухгалтерия баланснинг ликвидлиги бўйича корхонанинг жорий активлари ва мажбуриятлари нисбати қуйидаги таркибда баҳоланиши ҳам мумкин.

2-жадвал

Активларнинг ликвидлиги ва уларнинг нисбий ифодалари

Актив-лар	Таркиби ва мазмуни	Пассив-лар	Таркиби ва мазмуни	Ликвидлик коэффицентлари (нисбий ифодалар)				
				1	2	3	4	5
А3	Секин пулга айланадиган активлар (ТМ3)	П3	Узоқ муддатли мажбуриятлар	А3/П3	А1+А2+А3/ П1+П2+П3 жорий ликвидлик	А1- П1+А2- П2+А3/П3	А1-П1+А2- П2+А3- П3/П3	А1/П1+А2/ П2+А3/П4
А2	Тез пулга айланадиган активлар (ДМ)	П2	Қисқа муддатли мажбуриятлар	А2/П2	А1+А2/П1+ П2 тезкор ликвидлик	А1- П1+А2/П2	А1-П1/А2- П2	А1/П2+А2/ П2
А1	Доимий ҳаракатдаги активлар (ПМ+ҚММҚ)	П1	Кредиторлик мажбуриятлари	А1/П1 мутлак ликвидлик	А1-П1/П2	А1-П1- П2/П3	х	х

Халқаро амалиётда ликвидликнинг муҳим кўрсаткичлари сифатида бешта кўрсаткич аниқланиши белгиланган. Шундан 3 таси ликвидликнинг мутлак, тезкор ва жорий кўрсаткичларига тўла мос тушади. Яъни, ушбу таркиб кўрсаткичларда деярли фарқланиш йўқ (уларда кўпроқ, ликвидликнинг ягона кўрсаткичи аниқланади). Қолган иккитаси айланма капиталнинг активларга нисбати коэффиценти (working capital to assets) ҳамда интервал баҳолаш (interval measure) коэффиценти ҳисобланади.

Айланма капиталнинг жами активларга нисбати коэффиценти қуйидаги боғланишда ҳисоб-китоб қилинади.

Айланма капитал/Активлар

Интервал баҳолаш коэффицентини аниқлашда қуйидаги боғланишлар ҳисоб-китоб қилинади.

ПМ+ҚММҚ+ДМ/Жами харажатлар/365

Юқоридаги иккита таркиб кўрсаткичлар Ўзбекистон амалиётида ҳисоб-китоб қилинмайди.

Фарқли жиҳатларни ликвидлик ва тўловга қодирлик кўрсаткичлари сонидан ёки аниқланишида эмас балки улар юзасидан меъёр даражаларининг белгиланишида ҳам кўриш мумкин. Мазкур кўрсаткичлар (мутлақ, тезкор ва жорий ликвидлик) бўйича меъёрлар турли манбаларда турлича келтирилади. Лекин уларни умумий асосида 0.2, 0.7, 2.0 нисбатдан юқори бўлиши талаб этилади. Хориж амалиётида ушбу кўрсаткичлар меъёрий даражаси белгиланмайди. Шунингдек, ликвидлик бўйича хориж амалиётида баланс моддаларига нисбатан таркибланиш ҳамда уларнинг мутлақ фарқланиши ҳам ҳисоб-китоб қилинмайди. Бухгалтерия баланси активини ликвидлик бўйича таркибланишига Ўзбекистон ва МДХ мамлакатларида муҳим эътибор қаратилади. Бу тартиб актив, капитал ва мажбуриятларни қуйидаги тартибда таркибланиш назарда тулади.

3-жадвал

Активларни ликвидлиги бўйича таркибланиши

Активлар	Капитал	Мажбуриятлар	Меъёр
Узоқ муддатли активлар (А4)	Ўз маблағлари манбаси (П4)		$A4 \leq P4$
Жорий активлар: -товар моддий захиралар (А3) -дебиторлик мажбуриятлари (А2) -пул маблағлағлари ва молиявий қўйилмалар (А1)		Узоқ муддатли (П3) Жорий мажбуриятлар: -қиска муддатли(П2) -кредиторлик (П1)	$A3 \geq P3;$ $A2 \geq P2;$ $A1 \geq P1;$

Баланс ликвидли бўлиши учун бажариладиган умумий шарт қуйидагича:

$$A4 \leq P4; A3 \geq P3; A2 \geq P2; A1 \geq P1$$

Қолган барча ҳолатларда уларнинг ўзгаришига қараб ликвидликнинг мутлақ ва нисбий ифодаларига баҳо берилади

Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари (leverage ratios).

Ўзбекистон амалиётида молиявий барқарорликни баҳолаш бўйича кўрсаткичлар тизимини ўрганиш натижасида шуни алоҳида қайд этиш лозимки, молиявий барқарорликни кўрсаткичлар тизими турли манбаларда турлича келтирилади. Уларнинг сонини аниқ айтиш қийин. Лекин шунга қарамай уларни баланснинг таркибий қисмлари ва жамланган қаторларига нисбатан бир тизимга солиш мумкин. Молиявий барқарорликни характерловчи кўрсаткичлар тизими қуйидаги иккита таркиб бўйича гуруҳланиши ҳам мумкин.

1. Активлар, капитал ва мажбуриятларнинг таркибий тузилиши бўйича молиявий барқарорлик кўрсаткичлари. Улар қаторига молиявий мустақиллик (автономия), молиявий қарамлик, ўз ва қарз маблағлари нисбати, қоплаш коэффициенти ва бошқа кўрсаткичларни киритиш мумкин. Мазкур қатор

бўйича молиявий барқарорликни характерловчи кўрсаткичлар сифатида бошқа манбаларда узоқ муддатли активлар, жорий активлар, ўз маблағлари манбаси ва мажбуриятлар билан боғлиқ кўрсаткичларини алоҳида таркиблаш тартиби белгиланган.

2 Активларни молиялаштириши билан боғлиқ барқарорлик кўрсаткичлари. Мазкур кўрсаткичларга ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик, маневрлик коэффициенти, товар-моддий захираларнинг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирилиши, соф айланма активлар нақдлиги яъни, ўз айланма маблағларининг турли активлар ва капиталга нисбати орқали ҳисоб-китоб қилинувчи коэффициентлари киради.

Биринчи таркиб бўйича албатта ўхшаш жиҳатлар кузатилади. Лекин, иккинчи таркиб бўйича кўрсаткичлардан хориж амалиётида фойдаланилмайди.

Хориж амалиётида шунингдек корхона фойдасини аниқлашнинг **ЕВІТ**, **ЕВІТДА** тартиблари белгиланган (Times interest earned ratio).

Мазкур кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш ва баҳолаш тартибларининг жорий этилишига Ўзбекистон амалиётида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207 сонли “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисидаги“ Қарори ва Низомдан) фойдаланиш белгиланди ва тавсия этилди. Низом белгилари асосида ЕВІТ, ЕВІТДА кўрсаткичлари қуйидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш орқали топилади.

Соф фойда

+фойдадан солиқ тўлови

-фойдадан солиқнинг қайтариладиган қисми

+фавқулодда фойда

-фавқулодда зарар

+тўланган фоизлар

-олинган фоизлар

=**ЕВІТ (Cash coverage ratio)**

+моддий ва номоддий активлар амортизацияси ажратмалари

-активларни қайта баҳолаш

= **ЕВІТДА**

Мазкур кўрсаткич қанчалик юқори бўлса корхона учун шунча яхши бўлади.

Молиявий барқарорликнинг барча кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари амалиётида меъёр даражаларини белгилашга амал этилади. Лекин ушбу амалиётдан халқаро тажрибада фойдаланилмайди.

Молиявий барқарорликни баҳолашда яна бир муҳим фарқли жиҳат уларнинг мутлақ ифодада ўрганилиши билан ҳам характерланади. Мазкур тартиб бўйича молиявий барқарорликнинг учта муҳим кўрсаткич баҳоланади. Мазкур кўрсаткичлар қаторига қуйидагилар киритилади:

Ўз айланма маблағларининг нақдлиги (ЎАМН);

$\text{ЎАМН} = \text{ЎММ} - \text{УМА}$

Бунда: ЎММ – Ўз маблағлари манбаси;

УМА – узоқ муддатли активлар.

2.Захира ва харажатларни ўз ва қарз маблағлари ҳисобига молиялаштирилиш манбаси(ЎҚМХМ);

$\text{ЎҚМХМ} = \text{ЎАМН} + \text{УМКҚ}$;

Бунда: УМКҚ – узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар

3.Захира ва харажатларни жами манбалар ҳисобига молиялаштирилиш манбаси (ЖМХМ):

$\text{ЖМХМ} = \text{ЎҚМХМ} + \text{ҚМКҚ}$

Бунда:

ҚМКҚ – қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар (улар қаторига мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб китоблар ҳам қўшилади)

4-жадвал

Узоқ муддатли активларни ўз ва қарз маблағлари ҳисобига молиялаштирилиш коэффициенти

Кўрсаткичлар	Аниқланиши	Изоҳ
Узоқ муддатли активларни (УМА) ўз маблағлари манбаси (ЎММ) ҳисобига таъминланиш коэффициенти	$\text{ЎММ} / \text{УМА}$	1.0 дан юқори
Узоқ муддатли активларнинг ўз ва узоқ муддатли мажбуриятлар (УММ) ҳисобига таъминланиш коэффициенти	$\text{ЎММ} + \text{УММ} / \text{УМА}$	Минимум 1.0 га тенг деб олинади

5-жадвал

Захира ва харажатларни манбалаш юзасидан маблағлар нақдлигини ва молиялаштирилиш даражасини ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Аниқланиши	Манбалашдаги фарқланиш (+,-)
Ўз айланма маблағларининг нақдлиги(ЎАМН).	$\text{ЎММ} - \text{УМА}$	$\text{ЎАМН} - 3\text{X}$
Ўз ва узоқ муддатли қарз маблағларининг нақдлиги(ЎУММН).	$\text{ЎММ} + \text{УММ} - \text{УМА}$	$\text{ЎУММН} - 3\text{X}$
Жами маблағларнинг нақдлиги(ЖМН).	$\text{ЎММ} + \text{УММ} - \text{УМА} + \text{ҚММ}$	$\text{ЖМН} - 3\text{X}$

Захира ва харажатларни манбалашда маблағлар етарлилиги ва етишмаслигини коэффициент усулида ҳам ҳисоб-китоб қилиш мумкин. Коэффициент усули захира ва харажатларни молиялаштиришдаги ҳолатни қиёсий ўрганиш, унинг ижобий силжишларини ўрганишда муҳим ҳисобланади.

Айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффицентлари

Кўрсаткичлар	Аниқланиши	Изоҳ
Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиенти	ЎАМН/ЗХ	0.6-0.8
Ўз ва узоқ муддатли қарз маблағлари билан таъминланганлик коэффиенти	ЎУММН /ЗХ	Минимум 1.0 га тенг
Жами маблағлар билан таъминланганлик	ЖМН/ЗХ	1 дан юқори

Захира ва харажатларнинг ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиенти, жорий активларнинг ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиентининг таркибий қатори ҳисобланади.

Захира ва харажатларни тегишли манбалар ҳисобидан молиялаштиришнинг амалдаги ҳолатидан келиб чиқиб корхонанинг барқарорлик даражасига ҳам баҳо бериш мумкин. Амалдаги нормалар қуйидаги шартлар асосида тузиб чиқилган.

Молиявий барқарорликнинг мутлақ ифодалари бўйича таркибланиш шартлари

Захира ва харажатларни тегишли маблағлар ҳисобига манбаланиш нормалари			
ЎАМН >ЗХ	ЎАМН <ЗХ	ЎАМН <ЗХ	ЎАМН <ЗХ
ЎАМН +УМКҚ >ЗХ	ЎАМН +УМКҚ >ЗХ	ЎАМН +УМКҚ <ЗХ	ЎАМН +УМКҚ <ЗХ
ЖМ>ЗХ	ЖМ>ЗХ	ЖМ>ЗХ	ЖМ<ЗХ
Мутлақ молиявий барқарор	Нормал молиявий барқарорлик	Молиявий нобарқарорлик	Кризис ҳолатидаги молиявий ҳолат

Айланувчанлик коэффиенти (efficiency ratios).

Мазкур кўрсаткичларнинг аниқланиш тартиби бўйича Ўзбекистон ва хориж амалиёти ўртасида умуман фарқ йўқ. Активлар, капитал ва мажбуриятларнинг айланувчанлиги иккита ифодада яъни, айланиш коэффиенти ва айланиш даврийлиги кўрсаткичи бўйича баҳоланади. Ягона фарқли жиҳат уларнинг сонида дейиш мумкин. Ўзбекистон амалиётида айланувчанлик коэффиентларининг нисбатан кўп кўрсаткичлари аниқланади. Назарий ва амалий жиҳатдан уларни сонини аниқ белгилаш қийин. Молиявий ҳолатга баҳо беришда муҳим эътибор қаратиладиган кўрсаткичлар қаторига жами активлар (asset turnover ratio), жорий активлар, товар моддий захиралар, товарлар, дебиторлик мажбуриятлари айланувчанлик коэффицентлари ва айланиш даврийлиги кўрсаткичларини киритиш мумкин. Хориж амалиётида ҳам энг кўп ҳисоб-китоб кўрсаткичлар қаторига ушбу кўрсаткичлар киритилади.

Рентабеллик кўрсаткичлари (profitability ratios)

Мазкур таркиб бўйича ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилмайди. Амалда, фойда кўрсаткичи сифатида унинг турли қиймат даражалари олинади. Масалан

операцион фойда, солиқ тўловига қадар фойда, соф фойда ва ҳ.к. Унинг одатда харажатга, активларга ва капиталга нисбатан кўрсаткичлари баҳоланади. Ўз навбатида уларнинг ҳам таркибий кўрсаткичлари баҳоланади. Аниқланувчи кўрсаткичлар хориж амалиётидан сон жиҳатдан тубдан фарқ қилади. Яъни Ўзбекистон амалиётида рентабелликни жуда кўп турларидан фойдаланилади ва бу жиҳат фарқланишлар тармоқ ва фаолият бўғинлари бўйича ҳам фарқ этади. Энг кўп ҳисобланувчи кўрсаткичлар сифатида: сотув рентабеллиги; активлар рентабеллиги; моддий ва номоддий активлар рентабеллиги, ўз ва қарз капитали рентабеллиги; харажат рентабеллиги, асосий воситалар рентабеллиги, жорий активлар рентабеллиги қаралади. Фойданинг хориж амалиётида соф фойда, солиқлар тўловига қадар фойда, солиқлар ва фоизлар тўлангунга қадар фойда (ЕБИТ, ЕБИТДА) кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Яна бир муҳим жиҳат, хориж амалиётида тижорат корхоналари, компаниялар кўрсаткичларининг бозор қийматини таҳлиliga алоҳида урғу берилади. Мазкур кўрсаткичлар қаторига: соф фойданинг муомаладаги акциялар сонига нисбати; дивиденд тўловларининг соф фойдадаги салмоғи; акцияларга йиллик дивиденд тўловларининг уларнинг ўртача бозор қийматига нисбати; акциянинг бозор баҳосининг ва битта акцияга тўғри келадиган соф фойда нисбати кўрсаткичлари киритилади. Мазкур кўрсаткичлар асосида фирма ва компанияларнинг бозор активлиги кўрсаткичларига баҳо берилади. Ўзбекистон амалиётида ушбу таҳлил тури молиявий ҳолатни баҳолаш масалалари доирасига кирмайди ва фаолият самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари сифтида алоҳида ўрганилади. Мазкур таҳлилий кўрсаткичларларни аниқлаш, қиёсий ўрганишнинг зарурий жиҳатлари ва аҳамиятлиги корхоналарнинг молия бозоридаги иштироки ҳамда активлигининг қай даражадалиги билан белгиланади. Яъни бозор активлиги кўрсаткичларини баҳолаш орқали инвестицион фаоллик, жозибаторлик кўрсаткичлари баҳоланади.

Хориж тажрибасида молиявий ҳолатни баҳолашда кўпинча йирик ва шон-шуҳратга эга бўлган фирма ва компаниялар (Coca-Cola, PepsiCo, Дженерал электрик каби, Adidas ва бошқалар) мисолида бутун таҳлилий жараёнлар амалга оширилади ва якуний хулосада мазкур фирма, компанияларни жорий ҳолатига ташхис берилади ва келгусида компанияни ривожлантириш, молиявий қудратини ошириш юзасидан муҳим старатегиялар берилади.

Корхоналар молиявий ҳолатини Ўзбекистон амалиётида комплекс ўрганиш амалиётига жуда кам ҳоллардагина мурожаат қилинади. Биронта манбада Ўзбекистоннинг иқтисодида муҳим локомотив ҳисобланган корхоналар (Тоғ-кон металлургия комбинатлари, Ўзбекистон темир йўллари, Ўзбекистон ҳаво йўллари, автомобилсозлик корхоналари мисолидаги) маълумотлари асосидаги реал таҳлилий хулосаларни амалларни учратмайсиз. Кўпинча ушбу амаллар тахминий, ўйлаб топилган манбалар асосида тузиб чиқилади. Бу фарқ фақат таҳлил объектларининг реал манбалари асосида эмас балки йиллар кесимидаги динамик ўзгаришларда ҳам кузатилади. Шунингдек хориж таҳлил амалиётида фирма, компанияларнинг фаолият ва тармоқ бўғинлари бўйича фарқли жиҳатларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилади.

Хориж амалиётидаги яна бир муҳим фарқли жиҳатни кўрсаткичларнинг турлича номланишидаги (жорий активларнинг айланма активлар, оборот активлар, қисқа муддатли мажбуриятларнинг жорий мажбуриятлар, кредиторлик мажбуриятлари деб номланишида, узок муддатли активларнинг оборотдан ташқари активлар, иммобилизация қилинган активлар тарзида номланиши ва ҳ.к.), таркибланишидаги (узок муддатли ва жорий активлар, ўз маблағлари манбаси ва мажбуриятлар, асосий фаолиятдан молиявий натижа, операцион фаолиятдан даромадлар ва харажатлар), аниқланиш тартибларидаги (яппи фойда, асосий фаолият натижаси, умумхўжалик фаолияти натижаси, солиқ тўловига қадар фойда, соф фойда, ЕБИТ, ЕБИТДА) фарқли жиҳатлар билан ҳам таснифлаш мумкин. Шу сабабли, чоп этиладиган манбаларда кўрсаткичларнинг ҳисоб-китобларида маълумотлар молиявий ҳисоботларнинг қайси шакли ва сатрларидан олиниши ҳам аниқ кўрсатилиши лозим. Шу йўл билангина уларнинг аниқлигини ва бир хиллигини таъминлаш мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили.Т.: Молия –иқтисод, 2015.-316 б.
2. Анализ финансовой отчетности./учеб.пособие / О.В. Ефимова [и др.]. - М.: Омега-Л, 2013. - 388 с.
3. Григорьева Т.И. Финансовый анализ для менеджеров: оценка, прогноз./учеб, для магистров / Т.И. Григорьева. - 2-е изд., перераб. и доп. - М. : Юрайт, 2013. - 462 с.
4. Ефимова О.В. Финансовый анализ: современный инструментарий для принятия экономических решений./учеб./ О.В. Ефимова. - 5-е изд., испр. - М.: Омега-Л, 2014. - 348с.
5. Казакова Н.А. Финансовый анализ. /учеб. и практикум / Н.А. Казакова. - М.: Юрайт, 2014. - 539 с.
9. Brealey R.A., Myers S.C. Principles of corporate finance. McGraw-Hill, 2003.
10. Erich A. Helfert financial analysis: tools and techniques. A guide for managers. McGraw-Hill, 2001.